

8
13826

8УЗ(Навои)

Улуғ шоир
ИЖОДИНИНГ
Қағаз
Қолёна

72 ФБ ДН УССР
835 - 5

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1970

8У₃
3—85

Зоҳидов, В. Ю.

Улуғ шоир ижодининг қалби. (Алишер Навоий ҳақида. Масъул муҳаррир
Қаюмов А. П.) Т., «Ўзбекистон» 1970.

495 бет.

1. Навоий, А. унинг ҳақида.

Заҳидов, В. Ю. Сердцевина творчества великого поэта.



8У₃1(09)



СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

срлардан асрларга, насллардан наслларга ўта халқлар дилида барҳаёт бўлиш ёлғиз улуғларгагина — катта ҳақиқат ва ўлмас халқ даҳосини ўзида мужассамлаштирган ва доимо шу ҳақиқат ва халқ билан бирга бўлган, шу халқнинг эзгу умидларини, ажойиб орзуларини ифодалаган буюк шахсларга хос хусусият ва қисмат бўлган.

Алишер Навоий мана шундайлардан биридир.

У беҳад огир ва бўғиқ феодал шароитларида ижод қилди ва ўз асарларида шундай фикрларни ўртага ташладики, оқибатда ғоят қудратли сиймо бўлиб, ўз давридан юқори кўтарилди, демак, ўз даври савиясидан зўр чиқди, даврини рад этиб, ўзи халқимизнинг онг ва тафаккур ҳамда бадиий маданияти тарихида бир даврини ташкил этди. У ўз даврининг маҳсули бўлиб, ўз даври заминида майдонга келган бўлса-да, лекин оқибати Алишер Навоий ва бу давр, бу замон қатор масалаларда ва кўп жиҳатдан бир-бирларини истисно қиладиган бўлиб чиқди. Давр шундай бир фарзанд яратдики, у «бебош» ва бўйсунмайдиган, шаккок ва осий бўлиб етишди. Бу улуғ ижодкор шахс, бу улкан мубориз, бу ёрқин сиймо даврини ўзича рад этиб, уни ўзича доволамоқчи ва яхшиламоқчи бўлди, «кажрафтор фалакни» ўзича тўғри айланадиган қилмоқчи бўлди. Лекин давр ҳам бўш келмади, ундан зўр чиқиб, шафқатсизлик қилди, унинг улкан нияти ва интилишларини таҳқирлади, топталади ва шундай қилиб, разолат ботқоғида қолаверди, баттар тушкунликка юз тутди.

Ҳа, даврнинг ўзи улуғ Алишер Навоийни яратди, ўзи улуғ Алишер Навоийни рад этди ва улуғ Алишер Навоий томонидан рад этилди, унинг теран ақл, аччиқ кўз ёши ва дод-фарёдлар билан қилган ўғитларига, олижаноб фикрларига қулоқ солмади, бунинг устига уларни бўғди, оёқ ости қилди ва оқибатда қабиҳлигича қолаверди, таназзулга кетди. Бу чиндан ҳам ўша феодал даври ва у билан олишган улуғ шахс фожиаси эди.

Алишер Навоий ўз атрофини ўргимчак уясидек ўраб олган машъум ижтимоий муҳитни кўп жиҳатдан рад этиб, ўзининг юксак ғоя, орзуларига монанд, янги, анчагина жиҳатдан бошқача воқелик яратмоқчи бўлди, яратди ҳам. Лекин буни амалда эмас, хаёлда,— ўзининг ўлмас асарларидагина қила олди. Бу, улуғ зотнинг зулму зулмат билан қопланган замон ила олишувда ҳам ғалаба қозонгани, ҳам мағлуб бўлгани бўлди. Бу унинг ҳам улуғворлигидан шаҳодат беради, ҳам тарихий чекланганлигидан, ғаддор давр шафқатсизлиги ва бениҳоя тазйиқидан, ўша даврнинг олчоқлиги натижаси эканлигидан далолат беради.

Навоий маълум маънода ўз давринигина енгмади. У ўз давридан принцип жиҳатидан фарқ қилмайдиган бир неча асрлардан — зулм ва адолатсизлик, бойлик ва қашшоқлик, қабиҳ ва қотиллар ҳукмрон бўлган ҳамда бир неча асрлар давом этган замонлардан ҳам зўр чиқди, яъни асрлар оша яшади, яхшилик учун курашларда иштирок этди ва, ниҳоят, юксак орзулари ушалган бизнинг ажойиб замонга ўзининг бор баркамоллиги ва улуғворлиги билан етиб келди. Бу тасодифий эмас, албатта. Зотан юқорида қайд қилганимиздек, энг қудратли ва ҳамиша тарих тақдирини ҳал қиладиган омилларга — халқ ва ҳақиқатга, Ватан ва адолатга хизмат қилишда ўз ҳаёти маъносини кўрган даҳо эгаларигина бирин-кетин фосиласиз келиб турадиган авлодлар дили ҳамда курашида ҳамиша яшаш ва ёмонни барбод этиш, яхшини яратиш бахтига муяссар ва мушарраф бўладилар.

Алишер Навоий ўзининг ғоят кўп қиррали ижодида даврнинг барча соҳа ва проблемаларини ихота этди. Ижтимоий ҳаётнинг мафкура ва маданиятнинг бирон масаласи йўқки, у билан Навоий машғул бўлмаган ва у ҳақда ўз фикрини айтмаган бўлсин. У ҳам давлат ва жамоат арбоби, ҳам олим ва шоир. Унинг бутун фаолияти асосида халқ ва инсон, ватан ва тараққиёт манфаатларини ифода-

Алш ҳамда ҳимоя этиш ётади. Шу йўлда у ўз асарлари билан ярим минг йил мобайнида хизмат қилиб келмоқда, адабиётимизнинг, маданиятимизнинг ривожланишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бутун хулқи ва ҳаракати инсонга ва инсонийликка қарши қаратилган феодаллар, вайроначи шоҳ ва беклар, риёкор шайхлар, талончи бойлар, ғайри инсоний тартиб-қоидалар ҳоким бўлган шароитларда улуғ Навоий гуманизм жарчиси ва муборизи бўлди. Қадр-қиммати топталган, осқ ости қилинган инсонни улуғлади, ардоқлади, борлиқдаги энг қимматли зот деб билди, дунёдаги барча мавжудотлар шу инсонга тобе бўлишлари ва хизмат қилишлари лозим деб таъкидлади.

Ҳоким идеология вакиллари, дин ва мистика пешволари севги бутунлай ва ёлғиз худогагина қаратилиши керак, биргина худо ҳақиқий маҳбубдир, ҳақиқий ягона маҳбуб бўла олади, шундай бўлиши шарт деб, буни принцип даражасига кўтарганларида, Навоий «Кимки инсондурур, анинг маҳбуби ҳам инсон керак» деган принципни уртага ташилади ва шу билан давр идеологиясида, фалсафасида тўнтариш ясади.

Алишер Навоийнинг халққа бўлган чексиз муҳаббатини садоқати шу билан узвий боғлиқдир, бу муҳаббатнинг замирида худди шу принцип назарий асос бўлиб ётади.

Халқ оммаси беҳад таланган ва топталган, зулм, зулмат ва ҳуқуқсизлик, қашшоқлик исканжасида инграган шароитларда Навоий уни кўкларга кўтарди, унинг қайғусини чекди; фожиасидан фарёд қилди, унинг осуда ва бахтиёр бўлишини орзу қилди, шу йўлда курашди, шу халққа хизмат қилишда ўз ижоди ва ижтимоий фаолиятининг маъносини кўрди.

Қуйидаги сатрларда ифодаланган олам-олам маъно ва фикрларни ўзи учун бош қонун деб билди Алишер Навоий:

Одами эрсанг демагил одами
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонлариға мояи дармон бўлғил.

Ўлхшироқ бил они улус ароким,
Кўпроқ ўлғай улусға нафъ ондин.

Навоийнинг инсонга, халққа, ватанга бўлган чексиз муҳаббати унинг золим сарой аҳллари, бойлик тўпловчи боёнларни, ғаротчи ва босқинчиларни, риёкор руҳоний ва алдамчи чайқовчиларни (савдогарларни), фитна-фужурчи ва иғвогар, ҳасадчиларни кескин танқид этишини тақозо қилади, шундай бўлди ҳам. Навоий уларга қарши гоят зўр ҳамда кескин фош қилувчи асарлар ёзди, жамиятнинг улардан халос бўлишини орзу қилди.

Навоий ватанни дилдан беҳад севди ва азизлади. У шу ватан сиймосининг ҳоким разиллар томонидан топталишини, шу ватан бошига шу разиллар томонидан отилган кулфат тошларини, шу ватандаги вайрона кулбаларни, халқ истиқомат қиладиган ерлардаги харобаларни, шу ватан кўксини оғир яралар билан тўлдирган ва парчалаган урушларни кўрди, фарёд солди, Хисрав каби ғаротчи, босқинчиларни лаънатлади. Шоир шу ватаннинг озод ва обод бўлишини орзу қилди, шу орзунини амалга ошириш учун курашди.

Алишер Навоийнинг улуғлиги шундан иборатки, у ўзининг ажойиб гуманистик, халқсеварлик ва ватанпарварлик ғояларини ҳайратомуз бой ва юксак бадий маҳорат билан ифодалади. У шеърятда ўша вақтлардаги мавжуд барча тур ва жанрларда мўъжизакор ижод намунасини кўргазди, ўзбек адабиётини шу жиҳатдан ҳам мисли кўрилмаган даражада бойитди, мукаммаллаштирди. Унинг бадий приёмлари ва воситалари гоят ранг-баранг, хилма-хилдир, ҳам оддий, осон тушунарли, ҳам жуда мураккаб ва чуқур ўйлашни талаб қиладигандир. Унинг ижоди меваларининг кўпини ҳар ўқиганда янгидан янги маъно келиб чиқаверади. У қисқа сўз ва ибора билан катта ва тираф фикрни ифодалашга алоҳида эътибор берибди. Навоий шеърятининг қудрати айниқса шундан иборатки, у воқеликни бевосита акс эттиришга интилади ва ижтимоий реал ҳаёт ҳамда табиатнинг чуқур реалистик лавҳалариши тасвирлаб бериб, кўпинча эса, бевосита ҳаракат қилиб, реал ҳаёт воқеаларини, реал мақсад ва фикрларни, олижаноб орзу-истакларни (булар орасида утопия характеридагилар ҳам оз эмас) романтик усул ва воситалар орқали ифодалади. Шундай қилиб, романтикада реал мазмунни, воқеаликдан олинган ва ҳаёт билан, давр талаблари билан ўзвий боғланган реал мазмунни акс эттириб, икки қудратли усул ҳамда воситанинг — реализм ва айниқса романтизмнинг имкониятларидан фойдаланиш,

буларнинг иккисининг синтезини яратиш ва шу синтез асосида иш куриш даражасига етиб борди.

• Навоий асарларининг ғоят муҳими, диққатга сазовор ва ўрнак бўларли фазилати шундан иборатки, уларда эмоционал таъсир кучи жуда зўрдир. Бу ҳар нарсадан олдин шу билан изоҳланадики, шоир қандай мавзунини қаламга оламасин, нима ҳақида сўзламасин, уни у бетараф ва пассив ҳолда қилмайди, балки ёнаётган дил амри билан қилади, дил ва шеърхон олдидаги масъулиятни сезиб самимий қилади. У бирон кишидан ранжиган, бирон нарсадан хафа ё бирон сабаб туфайли хурсанд, ё бирон орзу билан нафас олаётган одамнинг дил уришини дил билан тушунаётгандай, унинг аҳволи ва руҳи талабига монанд куй куйлаётган ё олов сочаётгандай қалам тебратади. У инсон характери ва психологиясининг, ҳис-туйғулари ва умуман ички дунёсининг ғоят кўп қирралилиги ҳамда мураккаблигини билади, ҳисобга олади, оддий ақл бовар қилмайдиган шу мураккабликлар ва сирлар оламини гоҳ сиртдан туриб мутафаккир сифатида диққат билан кузатади, тадқиқ ва таҳлил этади, гоҳ эса, ич-ичларига ғаввосдек шўнгини, уни борица акс эттиради. Натижада, шундай чуқур психологик образ ва лавҳалар яратиладики, ўқувчининг йиғлаётган, фарёд қилаётган одам билан бирга йиғламасликка, фарёд қилмасликка, ё шодланаётган, кулаётган одам билан биргаликда шодланмасликка, кулмасликка иложи қолмайди. «Хазойинул-маоний»даги лирик қаҳармонни ва ё «Хамса»даги қатор образларни эсланг! Ҳеч бўлмаганда, Лайлининг жудоликдаги Мажнунга, Шириннинг занжирбанд Фарҳодга ёзган номаларини қаранг! Уларнинг ҳар бири бир бадий хазина!

Навоий образларнинг индивидуаллигига катта эътибор беради. Шунинг учун ҳам у яратган персонажлар бир-бирларига ўхшамайдилар, бир-бирларини тақрорламайдилар, уларнинг ҳар бирисининг ўз қиёфаси ва ўрни, ўз дунёси, мақсади, интилишлари, хуллас, хусусиятлари бор. Бунинг устига, уларнинг орасида мантиқий асосланмаган, ўқувчи қидириб юрадиган, тақдири ноаниқ ва ярим йўлда қолиб кетадиганлари биронта ҳам йўқ.

Навоий ғоят мураккаб ситуациялар, жуда кескин конфликтлар яратиш намунасини берди. Энг муҳими шундан иборатки, асардаги сюжет линияси, архитектоника, ситуация ва конфликтлар борган сари мукаммалашади, кескинлашади ва шу билан бирга, образлар ҳам камолотга

эриша боради. Бу, асосий мақсадни ва образларни ёрқин ҳамда чуқур очишга ёрдам беради.

Қизиги яна шундаки, Навоий маълум маънодаги ижобий тенденциозлик приёмидан фойдаланади. Бу улуг Горькийнинг, яхши нарсани яна ҳам яхши, ёмон нарсани яна ҳам ёмон қилиб кўрсатишни истаймап, деган принципини эслатади.

Навоий шеърнинг вазнига, мусиқийлиги ва оҳангдорлигига, кўп маъноли ва ҳар хил қофияли бўлишига зўр эътибор беради. У энг оддий аҳволда ҳам ажойиб натижага эришади — энг оддий материалдан ҳам мўъжизасимон бадий асар яратади. Масалан, қуйидаги рубойга қаранг. Унда уч сатрдаги сўзларнинг биринчиларигина ҳар хил ва қофиядош бўлиб, бошқаларининг ҳаммаси қайтариқдан иборатдир. Лекин бу шундай усталик билан қилинган ва шу оддий сўз ва сатрларда шундай катта маъно ифодаланганки, натижада биринчи сўзларнинггина қофиядошлиги шеърга алоҳида ҳусн бўлиб тушади, қайтариқлар ҳам билинмайди, балки маънони қайта-қайта таъкидлаб зўрайтиришга, бинобарин, уни чуқур очишга ва шундай қилиб унинг таъсир кучини оширишга ёрдам беради.

Мана ўша рубой:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортиқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Навоий шеъриятига хос ва катта мақтовга сазовор фазилатлардан бири шундан иборатки, уларда ранг-баранглик ва кўп қирралилик ғоят зўрдир. Бир ғазал, ҳатто бир қитъа, ё туюқнинг ўзида ҳам зўр мантиқ ва улкан маъно, яхлит мақсад бор, ҳам ўйноқи ҳазил-мутойиба бор, ҳам енгил ҳажв ва узиб олувчи киноя бор, ҳам жиддийлик ва қатъият кўзга ташланиб туради:

Қўрқутма мени томуғдин, эй зоҳиди ях,
Жаннат менга бўлғуси дебон урма занах.
Ким, дўзах анинг ёди била жаннат эрур,
Жаннат бори сенинг биладур дўзах.

ски:

Зоҳид, санга ҳуру менга жанона керак,
Жаннат санга бўлсун, менга майхона керак.
Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса, тўла ёна керак.

Умуман, Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати — бир олам, бебаҳо хазина, бениҳоя катта мактабдир. Уни ижодий ўзлаштириш адабиётимизнинг яна ҳам бойишига катта ёрдам беради.

Алишер Навоий ўзининг тарихий чекланганлиги ва камчиликларига қарамай, ўлмас бадиий асарларида шундай ажойиб фикрларни тараннум этдики, улар ҳозир ҳам янгидек туюлади. Унинг инсонни, ватанни ва меҳнатни улуғлайдиган, севги ва садоқатни, халқлар дўстлиги ва биродарлигини кўкларга кўтарадиган, тинчлик ва осойишталикни, энг яхши ва олижаноб инсоний хулқ ва одобни, тўғрилиқ ва ҳалолликни ардоқлайдиган, тарғиб ҳамда ташвиш этадиган ажойиб фикрлари, унинг шеъриятидаги ҳайратомуз бадиий бойликлари биз учун ғоят қимматлидир. Унинг риёкор руҳоний ва фирибгар олиб-сотувчилар ҳақидаги, халқ мулкига хиёнат қилиб харом бойлик тўпловчилар ва ўлимтик хасислар ҳақидаги; игво, фитна-фужур, макр-ҳийла билан машғул бўлувчи разиллар ҳақидаги аёвсиз танқидий фикрлари, вайроналик келтирадиган урушларни ва босқинчиларни фош этиши ва лаънатлаши ҳануз катта аҳамиятга моликдир. Шунинг учун ҳам унинг асарларини ўқиганимизда уларда буюк ва жанговар шахс қалбининг уришини сезиб турамыз. У давр эътибори билан биздан жуда олисда бўлса ҳам, унинг ҳақ фикрлари, хуш овози бизга баралла эшитилиб туради. Биз уни ўз энимизда, ўзимиз билан тургандек сезамиз.

Илғор инсоният асрлар давомида ажойиб маънавий бойликлар яратди. Низомий ва Руставели, Шекспир ва Жомий, Алишер Навоий ва А. С. Пушкин, Толстой ва Шевченколар ўз асарларида халқнинг эзгу истак-орзуларини сеҳргар санъаткор сифатида акс эттирдилар. Улар битмас-туганмас хазиналар яратдилар.

Биз совет кишилари, улар яратган бойликларни кўзининг қорачиғидек сақлаймиз, уларни ўрганамиз ва замонамиз талаблари хизматига қўямиз.

Асрий орзу-умидлар, ҳайратомуз ҳаёлу интилишлар
амалга ошаётган бизнинг жамиятда улуғ Навоийнинг асар-
лари халқимизни янгидан-янги ажойиб ишларга илҳом-
лантирмоқда, бундан буён ҳам шундай бўлажак.

Навоий улмасдир.



ШАРҚ ФЕОДАЛ ЖАМИЯТИНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА НАВОИЙ

Биз асосан Ўрта Осиё ҳақида фикр юритамиз.

Тарихий манбалар, олиб борилган археологик қазилмалар исбот этиб бердиларки, Ўрта Осиёда қадим вақтларда иқтисодиёт ривожланган бўлган. Ҳозирги СССР территориясида биринчи дафъа Ўрта Осиёда, Закавказияда, Сибирда давлат майдонга келиб чиққан. Бизнинг эрамыздан анча муқаддам Ўрта Осиёнинг бир қанча ерларида ўтроқ ҳаёт бўлган. Бу ернинг аҳолилари чорвачилик билан, ерни сунъий сугориш билан, уни сунъий ишлаш, экин экиш билан машғул бўлган. Сунъий сугориш, экилган буғдойларнинг, шолиларнинг яхши ўсганликлари, уларнинг ҳосилдорликлари бу ерга келган муҳожирларни (греклар, хитойликлар ва ҳ. к.) ҳайратда қолдирган эди. Хусусан Фарғонада бу ҳол, узумчилик, виночилик биринчи мартаба жуда ривожланган эди. Ҳатто ўша вақтларда дунёнинг илғор халқларидан ҳисобланган хитойликлар ушумнинг, беданинг уруғини Фарғонадан (қадимги номи Даван) олиб кетган эдилар ва Хитойда ўстира бошлаганлар. Ўрта Осиёнинг баъзи жойларида жунчилик, пиллачилик, ипакчилик, ипчилик, демак тўқимачилик ишлари бўлган. Буларнинг устига, биз ўша вақтларда металл (темир, кумуш, мис ва ҳ. к.) ишланишини, металдан қилич, қанжар ва ўткир болталар каби буюмлар ясалганини, пул (танга) чиқарилганлигини, бир хил эмас, ўнлаб хил ранган шиша борлигини айтиб ўтсак, у вақтдаги Ўрта Осиёнинг қанчалик илғор эканлиги очиқ маълум бўлади.

Бу билан, табиийки, шаҳарлар ортади, кенгайди аҳоли кўпайди. Қадим Хитой тарихчиларининг берган хабарларига кўра, масалан Даванда бир ҳокимнинг қўл остида

бўлган жойда 300 000 аҳоли бор эди. Бизнинг эрамызга қадарги даврларда ёзув ҳам майдонга келади.

Бу вақтларда Шарқ билан Ғарб мамлакатлари, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон орасидаги асосий савдо йўллари Ўрта Осиёдан ўтар эди. Ўрта Осиё, шу билан бирга, ёлғиз транзит йўлигина бўлиб қолмасдан, аynи замонда катта, дунёвий савдо марказларидан бири, катта савдо саҳнаси эди. Ўрта Осиё ўзининг моллари билан дунёвий савдо системасида жуда яқиндан фаол иштирок этар эди. Шу билан бирликда Ўрта Осиёнинг ўзида ҳам ички савдо муносабатлари (Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразм, Фарғона, Марғиёна ораларида) зўр эди. Ўрта Осиёнинг буюк транзит мамлакат бўлиши, унинг ташқи мамлакатлар билан бўлган актив савдо муносабатлари унда (Ўрта Осиёда) ички савдонинг, иқтисодиётнинг ривожланишида жуда катта роль ўйнади. Ўрта Осиёнинг ташқи илғор мамлакатлар (хусусан Юнонистон, Хитой, Ҳиндистон) билан бўлган бундай алоқаси ва бунинг натижасида ҳам иқтисодиётнинг ривожланиши маданиятнинг бу ерда ривожланишига жуда катта таъсир этди: Юнон, Хитой, Ҳинд маданияти, санъати, ҳунармайдчилиги бу ерга (Ўрта Осиёга) тарқалади; Ўрта Осиёнинг маданий бойликлари ҳам, ўз навбатида бошқа мамлакатларга, хусусан Хитойга, Юнонистонга, Ҳиндистонга ўтади. Шундай қилиб, Ўрта Осиё, унинг халқлари ўша вақтларнинг илғор халқлари билан бирликда дунё маданиятини яратишда энг яқиндан иштирок этади.

Мана Ўрта Осиёда бизнинг эрамыздан аввалги III асрдан то бизнинг эрамызнинг III асрига қадар қандай ҳолат бор эди. Страбон (бизнинг эрамыздан I аср аввалги юнон географи), Плиний (бизнинг давримизнинг I асридаги машҳур римли олим) «Маҳабҳарата» (бизнинг эрамыздан аввалги V—IV асрлар билан бизнинг эрамызнинг I асрлари орасида Ҳиндистонда яратилган эпик поэма), бошқа қадимий Юнон, Хитой тарихчиларининг асарларида, қадимий маъҳазларда шундай хабар берилади. Муосир тарихчиларимиз тамомила ҳақли ўлароқ айтадиларки, бу вақтлардаги Ўрта Осиё Европадан (Юнонистон билан Римни истисно этиб) анча илғор бўлган эди; феодализм Ғарбий Европага нисбатан бу ерда эрта бошланганлигини тарихий ҳужжатлар ҳам исбот этиб берадилар. Хусусан V—VI асрларда бу ерда катта-катта феодаллар (ишхидлар) майдонга келадилар.

Лекин катта фалокат шундаки, Шарқ ўзида бўлган баъзи хусусиятларга кўра Европада бўлганидек ўз ривожланишини изчил давом этдира олмади, нисбий турғунликда қолди. Гарчи илм, адабиёт, санъат соҳасида хусусан IX—XV асрлар орасида анчагина ривожланиш бўлган, ҳаттоки, Ўрта Осиёда Ренесанс ҳам ўрин олган бўлсада, бу, асосан аввалги бой маданият билан ҳам боғлиқдир ва ушанинг заминиди майдонга келиб, мафкура қанчалик мустақилликка эга эканлигини намойиш эттиради ва ниҳоят иқтисодий, ижтимоий факторларнинг, сабабларнинг ортиб кетган таъйиқи, ҳамласи қўлида у (Ренесанс) сўнади. Бу ҳолатни тақозо қилган иқтисодий, ижтимоий сабаблар нималардан иборат бўлди, бу фожианинг илдиэлари нималарда бўлди? Биз шуларнинг баъзиларига мухтасар назар ташлаб ўтамыз. сўнгга Навоийнинг уларга бўлган муносабати, унинг нақадар улуғлиги маълум бўлади.

1. Қуллик.

Шарқий феодализм қулликни Европада бўлганидек сиқиб чиқариб ташлай олмади. Феодализм ўрнатилишига, ривожланишига қарамасдан қуллар, қул меҳнати қишлоқ хўжалигида, ҳунармандчилик корхоналарида, уй хўжалиги ишларида анчагина кўзга кўринарли ўрин тутиб, деярли бутун хўжаликда ўз изларини қолдирар эдилар. V—VII асрларда феодалларнинг жуда кўп қуллари бор эди. VII асрлардан кейин Ўрта Осиёни араблар томонидан забт этилиши муносабати билан хусусий мулкчилик яна ҳам қаттиқ ўрнашади, мукаммаллашади, қуллик йўқолмайди. Одамлар, масалан, ерга шу қадар чамбарчас қилиб боғлиб қўйилган эдиларки, улар ерни ишлашдан, ер эгаларини айтганларини бажаришдан бошқа қарийб ҳар қандай ишсони хуқуқдан, озод меҳнат қилиш хуқуқидан маҳрум эдилар. Ерларни ундаги одамлар билан бирга сотиш, олиш ҳам бўлиб турар эди. Кўп тарихий манбалар, асарлар (Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, голландиялик сайёҳ Я. Я. Стройиснинг «Уч саёҳати» ва х) қулликдан, катта-катта қул савдоларидан (улар Хиндистондан, Хабашистондан келтирилар эдилар) хабар берадилар. Масалан, Хуросон бозорларига бир йилда (XV асрда) ўрта ҳисоб билан 20 000 га қадар қуллар келтирилар эди. Шундай ҳодисалар ҳам бўлар эдики, урушларда асир тушганлар ғолиблар тарафидан қулга айлантирилар эди.

Бу қуллар ҳар қандай инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, сўзловчи қуролгагина, жонли ишлаб чиқариш олатигагина айлантирилган эдилар. Улар яшар эдилар, лекин яшашга ҳуқуқлари йўқ эди. Улар табиатан инсон эдилар, лекин инсонлик ҳуқуқлари йўқ эди. Улар ишлайдилар, лекин бунда улар шу ишлаш (меҳнат қилиш) фаолиятидагидан бошқа ҳеч қандай озодликка эга эмас эдилар. Улар яратар эдилар, лекин уларнинг бу яратган бойликлари уларнинг ўзларини қўл ва оёқларига кишан бўлар эди. Улар яратар эдилар, лекин бу яратганларини хоҳ тақсимлашда, хоҳ ўзлаштиришда ҳар қандай эгалик, иштирок этиш ҳуқуқларидан маҳрум эдилар. Уларни сотиш, сотиб олиш, ўлдириш мумкин эди.

Шундай бўлгандан сўнг табиийки, уларда меҳнатга, унум яратишга, уни орттиришга ҳеч қандай қизиқиш, майл йўқ эди ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди, зеро бундан улар ҳеч манфаатдор эмас эдилар.

Феодал Шарқи хўжалигида қулларнинг бўлиши, қул меҳнатининг маълум даражада татбиқ этилиши жамиятнинг илгари силжишига катта тўғонлардан бири бўлди. Ғарбда эса биз бундай ҳолларни кўрмаймиз десак бўлади.

Энгельс қулчилик тузуми ҳақида шундай деган эди:

«Қулчилик қаерда ишлаб чиқаришнинг ҳоким формаси бўлса, у ерда меҳнат тутқинлик фаолиятига айланади, яъни озод одамларни таҳқир қиладиган бир нарсага айланади. Шу сабабли бундай ишлаб чиқаришдан чиқиш-қутилиш йўли бекилади. Иккинчи. томондан эса, уни йўқотиш талаб этилади, чунки қулчилик ишлаб чиқаришнинг ривожига тўсқинлик қилади. Қулчилик заминидаги ҳар қандай ишлаб чиқариш ва қулчиликка асосланган ҳар қандай жамият ушбу зиддиятдан ҳалок бўлади. Кўп ҳолларда бу зиддият ҳалок бўлаётган жамиятни бошқалар, кучлироқлар томонидан зўрлик йўли билан енгиш орқали ечилади (Греция Македония томонидан, кейинроқ эса Рим томонидан енгилган эди). Ўз навбатида бу кейингиларнинг қул меҳнатига асосланган ҳолда яшаган вақтларида Марказнинг алмашлаб туришигина содир бўлади ва ниҳоят (Рим) қулчилик ўрнига янги ишлаб чиқариш усулини ўрнатган халқ томонидан забт этилганига қадар бутун бу процесс юксак даражада такрорланаверади»¹.

Бу ерда Энгельс гарчи, қулчиликнинг классик форма-

¹ К. Маркс, Ф. Энгельс. Асарлар, XV том, 450-бет.

си ҳоким бўлган Юпонистон ва Рим ҳақида, «сосан, унинг кейинги, манфий даври тўғрисида сўзлаётир, гарчи Шарқнинг биз сўзлаётган даврида қулчилик ишлаб чиқарчсининг ҳоким формаси эмас эди, лекин шу билан бирликда бу даврда қуллик, юқорида кўрганмиздек, ишлаб чиқаришнинг, хўжаликнинг узвий бўлаги ҳолида қолган эдики, Энгельснинг бу юқоридаги айтганлари маълум даражада ва маълум маънода Ўрта Осиёга ҳам оиддир. (Яна ёдга олиб кўрингчи: вақтида кимлар, қандай характердаги ишлаб чиқариш ҳоким бўлган мамлакатлар Ўрта Осиёни олиб кўрмадилар ва улар бу ерда қандай «ўзгариш» яратишлари мумкин эди).

Навоийнинг қулликка бўлган манфий муносабати ўз-ўзидан очиқ маълум бўлган нарсаси, буни исботлаш, у ҳақда сўзлаш ортиқчадир.

2. Юқорида ҳам қисман кўрсатдикки, Ўрта Осиёнинг улуг бир савдо транзит ўлкаси бўлганлиги, асосий дунёний савдо йўллари вақти ила Ўрта Осиёдан ўтганлиги унинг (Ўрта Осиёнинг) ҳам иқтисодий, ҳам маданий ривожланишида жуда катта роль ўйнаган эди. Бу ҳол доимий қола олмади, ўзгарди. Янги савдо йўллари очилди, Ўрта Осиё аҳолисига, бойлигига, бозорларга қараганда баъзи жиҳатлардан юқори турган Ҳиндистон, Хитой каби шарқ мамлакатлари билан ғарб орасидаги савдо йўллари ўзгарди. Бу, албатта ўзининг манфий натижасини (Ўрта Осиёга нисбатан) бериши шарт эди, берди ҳам.

3. Сув, суғориш масаласи Ўрта Осиёда асрлардан бери инг жиддий ҳаёт масалаларидан бўлди. Сувнинг бўлиш-бўлмаслигига қараб, унинг оқиш йўлининг ўзгаришига қараб баъзи жойларда янги шаҳарлар, қишлоқлар, ҳаёт қайнаган ерлар вужудга келди, баъзи жойларда эса — бор шаҳарлар, қишлоқлар барбод бўлди, йўқолди, ҳаёт қуриди. Биргина Амударёнинг тарихига кўз ташлаб кўринг! Масалан, машҳур ўзбек олими Беруний (X асрнинг охири ва XI асрнинг биринчи ярми) Амударёнинг (Жайхун) ўз оқиш йўлини ўзгартириб туриши ҳақида сўзлаб айтдики, мана шундай ўзгаришлардан бирида Амударёнинг қирғоғида юзлаб шаҳар ва қишлоқлар емирилиб кетган эди. (қаранг: «Вестник древней истории», стр. 194, 1941 г. № 1). Шу шўх Амударё баъзи тарихий маълумотларга кўра, II аср билан XI аср ораларида бир неча марта баъз оқиш йўлини ўзгартирган, гоҳ Каспий денгизига, гоҳ Орол денгизига ва ҳ. к. йўлланган.

МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида	5
1. Шарқ феодал жамиятининг баъзи хусу- сиятлари ва Навоий	13
Баъзи хулосалар	29
2. Алишер Навоийнинг даври лавҳалари	31
Баъзи хулосалар	58
3. Навоий ҳаёти саҳифалари	60
Баъзи хулосалар	85
4. Маънавий замин	87
Баъзи хулосалар	121
5. «Меҳри мунир». «Зеби торақ»	123
Баъзи хулосалар	149
6. Инсон — хилқат тожи, маҳбуб	151
Баъзи хулосалар	233
7. Шоир ва дин	236
Баъзи хулосалар	266
8. Ҳаёт гули афзал	268
Баъзи хулосалар	313
9. Навоий ва тасаввуф	316
Баъзи хулосалар	404
10. Тафаккур қудрати	407
Баъзи хулосалар	423
11. Давр ифшоси	425
Баъзи хулосалар	487
Мактуб	490
Бузруквор мутаффакир, отахон шоир!	490